

# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲОН ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 66 (10.371)

2005 ЙИЛ 6 АПРЕЛЬ

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

**XXI саҳоси**  
Барча маъбарлардан  
олинган сўнги хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 4 апрель куни давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

— Ҳиндистон бугунги кунда кўплаб соҳаларда жадал ривожланиб, ўз салоҳиятини жаҳонга тобора кенгроқ намоён этаётган давлатлардан, — деди Ислоҳ Каримов. — Бу мамлакат, айниқса, ахборот технологиялари соҳасида ривожланган давлатлар қаторидан жой олган. Биргина 2004 йилда 12,5 миллиард АҚШ долларига тенг ахборот технологиялари маҳсулотини экспорт қилгани бунинг ёрқин далилидир. Ушбу мамлакат сўнги пайтларда ҳарбий-техника, фазовий тадқиқотлар соҳасида ҳам катта қадамлар ташламоқда.

Ислоҳ Каримов ташрифдан кўзланган мақсадалар ҳусусида тўхталар экан, Ҳиндистон билан иқтисодий, маданий ва таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда муҳимлигини қайд этди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини қирқдан ортиқ ҳужжат ташкил этади.

Юртимизда Ҳиндистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўттиздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилнинг ўн бир ойида 121 миллион долларга тенг бўлди.

Президентимизнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи давомида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ф.АРЗИЕВ,  
ЎЗА МУХБИРИ**

**ДЕҲЛИ, 5 апрель. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).** Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи билан келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовни Деҳли марказидаги «Раштрапати Бхаван» майдонида расмий кутуб олиш маросими бўлди. Икки давлат байроқлари кўтарилиб, мадҳиялари янгради. Ислоҳ Каримов шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбари ҳинд халқи мустақиллигининг асосчиси Маҳатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуига ташриф буюриб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президент Ислоҳ Каримов «Ҳайдаробод саройи»да Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх билан учрашди. Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама этилди.

Ислоҳ Каримов ва Манмохан Сингх раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Ҳиндистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди. Томонлар ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволини таҳлил этиб, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олди. Ҳамкорликнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, икки томонлама манфаатли, самарали соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида кичик бизнес ва ҳусусий талбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, мудофаа вазирликлари, савдо-саноат пала-

талари, банклар, ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштирувчи ва сайёҳлик ташкилотлари ҳамда қатор олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга имзо чекилди.

Президент Ислоҳ Каримов «Раштрапати Бхаван» қароргоҳида Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам билан учрашди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалаларни муҳокама этдилар.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган «Тож Маҳал» қароргоҳида Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Натвар Сингхни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигига, халқаро ва минтақавий муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислоҳ Каримов Ҳиндистон мудофаа вазири Пранаб Мукержини қабул қилди. Сўхбатда ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, аксилтеррор ҳаракатлар юзасидан тажриба ва ахборот алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Ҳиндистон савдо ва саноат вазири Камол Нат билан мулоқотида эса мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ислоҳ Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шекхават билан ҳам учрашди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлигига, парламентларо алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА

● **КЕЧА** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телеканали ҳамда «Оқшом» газеталари таҳририяти ҳамкорликларида меъморлар, талаба ёшлар иштирокида «Шаҳримизни қандай қиёфада кўришни ис-

тайсиз?» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

● **МАРКАЗИЙ** офицерлар уйида КЕЧА уюштирилган хайрия ташбирида 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига эсдалик совғалари топширилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий-сиёсий фанлар факультетида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра сўхбати «Жаҳондаги ижтимоий-сиёсий вазият» деб номланди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда банклар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси Ўзбекистон Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил этди.

Мазкур қўмита раиси А.Аҳдов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилётгани таъкидланди. Банк тизимида иқтисодиётнинг реал секторидagi жараёнларни ўзида акс эттирувчи сифат ўзгаришлари яққол намоён бўла бошлади. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви банкларда омонатларнинг барқарор ўсиши, тижорат банклари кўрсатаётган хизматлар қўламининг кенгайишида муҳим омили бўлаётди.

Тадбирда банк тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, банкларнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришдаги ўрни, иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш ва микрокредитлаш, шунингдек, Марказий банкнинг пул-кредит ҳамда валюта сиёсати, кредитлар ва депозитлар бўйича фойзаларни шакллантириш, уларга таъсир қилувчи омиллар ҳусусидаги маърузалар тингланди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ**

### Мамлакатимизда

● Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Савдо ва сармоалар бўйича Ўзбекистон-Германия ишчи гуруҳининг қўшма мажлиси, шунингдек, ГФР делегацияси вакиллари иштирокида иқтисодий форум бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармасининг Куроли Кучлар сафига чакирув манзилда Ватан посбонларининг дастлабки гуруҳи ҳарбий хизматга тантанали кузатилди.

● Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташкил топганининг бир йиллиги ҳамда Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Жиззах вилоятидаги ижодий жамоалар ўртасида мини футбол мусобақалари бўлиб ўтди.

● Япониянинг JBIC лойиҳасига мувофиқ Андижон вилоятида 273 километр масофага шиша толали кабел ётқизилди. Бу кўплаб корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари, идораларга Интернет тармоғига улаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

● Қўқон шаҳридаги «Чашма» ҳусусий ишлаб чиқариш савдо фирмасида тайёрланаётган 14 турдаги гигиеник маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Ушбу корхона жамоаси ўтган йили 249 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 120 минг АҚШ долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

● Пойриқ туманидаги 99-мактаб янги бинога кўчиб ўтди. Қурилташ Пиримкул Нурмонов номи фермер хўжалиги ҳисобидан 15 миллион сўм, бюджет маблағларидан 9 миллион сўм сарфланди.

### Жаҳонда

● Молдова парламенти мамлакат Президенти Владимир Воронинни ушбу лавозимга қайта сайлади. Чунки Молдовада Президент мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи томонидан сайланди.

● Ироқ парламентининг спикери сайланди. Бу лавозимни Ҳожи Хассани эгаллади. Мутахассислар фикрича диний Хасанининг спикер этиб сайланиши мамлакатдаги турли жамоалар вакиллари бирлаштиради.

● БМТнинг Яқин Шарқдаги элчиси Терье Род-Ларсен Сурия Ливандан ўз кўшинлари ва махсус хизматчиларини 30 апрелгача олиб чиқиб кетишини маълум қилди.

● Журналистика соҳасидаги энг нуфузли мукофот бўлмиш «Пулитцер-2005» совриндорларининг номи эълон қилинди.

● Ангола Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, Марбург вирусидан ҳаётдан кўз юмганлар сони 146 нафарга етган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

## Иқтисодий

БЮОРТМАЛАР  
КЎПАЙМОҚДА

Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган «Galand servis» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ички бозоримизни сифатли, кўркам, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшиб, келмоқда.

1999 йилда иш бошлаган жамоа ахли трикотаж кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Орадан 3 йил ўтган эса Россиядан келтирилган юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар, мохир дизайнчи ҳамда малакали тикувчи-бичувчилар меҳнати самараси ўларок 50 илгача яқин болалар, аёл ва эркеклар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, мижозлар мамнун қилинмоқда.

Эътиборли томони, тикувчилик маҳсулотлари учун сифатли хом ашё — Андижон шаҳридан ҳамда Жанубий Корея давлатидан келтирилади. Корхона тадбиркорлари изланиш, янгиликка интилиш орқали йилдан йилга янги маҳсулот турларини яратиш устида ишламолда. Корхона буюртмачилари нафақат пойтахтликлар, балки республиканинг деярли барча вилоятларидаги касалхоналар, Меҳрибонлик уйларида.

Айни кунларда мавсумий кийим — аёллар пиджачи ва кечки либос — кўйлақлар яратилди. Маҳсулотлар замонавий безакланган, яъни бисерлар тикилади ҳамда эсклюзив моделларда тайёрланади.

ИМКОНИЯТ  
ЕТАРЛИ

Юртимизда йилдан йилга хусусий тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганлиги эътиборга молик. Айниқса, улар ишлаб чиқараётган сифатли маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётганлиги кубонари ҳол. Дилшод Назаров ушбу соҳада, айтиш мумкинки, ўз ўрнига эга.

Ақмал Икромов туманида 2002 йилдан фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Дилшод Назаровнинг мутахассислиги иқтисодчи бўлиб, оилавий бизнесда ўзини синаб кўришни мақсад қилди. Тадбиркор 4 нафар ишчилари билан иш бошлаб, Германиядан келтирилган кичик нонвойхоналар ёрдамида сифатли, бўрсилдоқ нон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлады.

Бугунги кунга келиб эса у ички бозоримизни ўрганиш натижасида нон ва нон маҳсулотларининг турини 14 тага кўпайтирди ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган харидоргир макарон тайёрлайдиган дастгоҳ ва ускуналарни сотиб олди ва цехга ўрнатилди. Ҳадемай аҳоли учун турли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Жорий йил охиригача тадбиркор яна бир эзгу мақсадни амалга оширишни режаллаган. Яъни, маҳсулотларини ўзининг фирмали дўконида сотишни амалга оширмоқчи. Бунинг учун эса ёш тадбиркорда ҳамма имкониятлар етарли.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Дарҳақиқат, куни кеча республика ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда Фридрих Эберт жамғармаси кўмағида «Элнажот» жамоат ташкилоти томонидан Собир Раҳимов туман маҳаллалари маслаҳатчилари учун ўтказилган «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва маънавиятини юксалтириш» мавзусидаги семинарни ҳам шу йўналишда олиб борилаётган амалий ишларнинг бир намунаси дея таърифлаш мумкин.

Даставвал таъкидлаш ўринлики, мазкур тадбир яна бир бор маслаҳатчилар ўзларига юклатилган масъулиятни чуқур хис эта билиши, вазифаларини тўлиқ англаган ҳолда зарур диний-маърифий йўналишдаги билимларини ошириш билан бирга, шунингдек бошқа соҳалардан бохабар бўлиши, бугунги жадаллашув жараёнларидаги маънавий ҳолатларда янада кўпроқ изланишга ва ўз устида ишлашга ҳаракат қилишлари лозимлигидан далолат берди. Ўз навабатида, таҳлилларга қараганда, тегишли тузилмалар ҳамда жойлардаги айрим оқсоқоллар кенгашлари томонидан маҳалла тизимига жорий этилган янги лавозим эгалари ўз вазифаларини тўлиқ ва сидқидилдан адо этиши борасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилишини тақозо этади.

Шу ўринда бироз рақамларга мурожаат этсак.

Шаҳардаги 443 та маҳаллада, яъни 98 фоизда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифаси кадрлар билан таъминланган. Уларнинг сифат кўрсаткичларига келсак, маълум бир қисми илгари жойларда хотин-қизлар кўмитаси раиси ёки педагог-тарбиячи бўлган, 160 нафари маҳалла тизимида биринчи марта ишламолда. Маълумоти бўйича 264 нафари олий, 39 нафари — тугалланмаган олий, 100 нафари — ўрта махсус маълумотга эга. Мутахассислиги бўйича 192 нафари педагог, 43 нафари — тиббиётчи, 208 нафари — бошқа турли соҳа вакиллари. Махсус диний билимга 23 нафар маслаҳатчи эга бўлса, илмий изланишлар билан 13 нафар фан номзоди машғул. Ёшига келсак, маслаҳатчиларнинг 17,8 фоизи — 60 ёшдан ва 10,8 фоизи — 50 ёшдан катта бўлса, 39,7 фоизи — 40-50, 8,8 фоизи — 30-40 ёшдагиларни ташкил қилади. Дарвоқе, агарда ушбу вазифага нечук айнан аёллар тайинланаётганига эътибор қаратадиган бўлсак, шу кунга қадар 88 та маҳаллада хануз диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар маҳалла оқсоқоллари билан бир хонада иш олиб бораётир.

Жумладан, ўтган йил якунлари бўйича бундай ҳолат асосан Мирзо Улугбек, Юнусобод, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Чилонзор ва Миробод туманларидаги маҳаллаларга

тааллуқли бўлди.

Бевоқиф семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, ҳақиқатан ҳам маслаҳатчиларнинг маънавий дунёқарашлари даражасини юксалтириш масаласи долзарблигича қолаётир. Бунга биргина қуйидаги мушоҳаданинг ўзини етарли деб биламиз. Хусусан, тадбир иштирокчиларидан бири баъзи динлар тарихи талқинида гуё инсонга нисбатан

олиши, уларнинг ишончини қозониш учун психологик жиҳатдан тайёр бўлиши даркор. Бунинг учун эса махсус курслар ташкил қилинса, оммавий ахборот воситалари орқали маслаҳатчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашуви йўлга қўйилса, аудиторидаги мавжуд муаммоларнинг сезиларли даражада ечимига эришиш имкони очилар эди.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси нодавлат нотижорат

БУРЧ  
МАСЪУЛИЯТИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмаси таркибига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилган. Ўтган деярли салкам бир йил давомида пойтахтимиздаги ақрият маҳаллаларда ушбу вазифага муносиб кадрларни таллаш борасида таъкидга лойиқ ишлар амалга оширилди. Жумладан, шу мақсадда жойларда илмий анжуманлар, семинар ва учрашувлар кўринишида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган турли тадбирлар, ташкил қилинаётган малака ошириш курслари, шубҳасиз, мазкур лавозимда фаолият юритаётган маслаҳатчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, жамоатчилик билан олиб борадиган тушунтириш ишларини тўғри йўналтириш, бир сўз билан айтганда, уларнинг тегишли масалаларда — фуқаро ёки оила муаммоси бўладими — зарур маслаҳатни бера оладиган даражада билим савиясини шакллантиришга ва янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

зид ҳолатлар мавжуд бўлганлиги юзасидан фикр юритгани биров хавотирга солиди. Албатта, мутасаддилар «қизиқувчан» маслаҳатчиға бў борада ўзига яраша чуқур ва таъсирчан маълумот беришга эришилди. Жумладан, дин ва миллат муқаддас тушунча эканлиги, инсонга қарши эса фақат бирон-бир кимса ёки бир гурӯх кимсалар қадриятларни ниқоб қилиб ҳаракат қилиши мумкинлиги тўғрисида мисоллар тарихида тушунча берилди. Лекин бу билан кифояланиш ўринлимикан? Маслаҳатчиларнинг ҳаммаси ҳам ўзига юклатилаётган вазифани бажаришга тайёрми, ҳаттоки лойиқмикан, деган савол кишини ўйлантирмаслиги мумкин эмас.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг диний ва дунёвий илми шунчалар муқаммал бўлиши керакки, у бирор-бир шахсни носоғлом фикр юритиши, турли оқимларга кириб кетишидан қайтара олиши ва шу йўсинда тўғри йўналтира олиши зарурдир. Бунга маслаҳатчиларнинг ўзи нима деркин? Чустий номидаги маҳалла маслаҳатчиси Н.Бахромова билан фикрича, бундай масъулиятли вазифани ўз бўйига олган ҳар бир маслаҳатчи бевоқиф одамлар билан муомалада бўлар экан, у турли фелъ-атворли инсонларнинг қалбига йўл топа

ташкilotлари фаолиятини мувофиқлаштириш гурӯҳининг раҳбари Муаттар Ҳўлатова ва семинари очар экан, маслаҳатчилар обрў-эътиборли, ҳаётий тажрибага эга, 2-3 хил соҳа мутахассислари бўлсаларда маҳаллалардаги турли масалалар ечимини топишлари учун ҳуқуқий саводхонликларини ошириш, маънавий-ятларини юксалтириш лозимлигини таъкидлади.

Тошкент юридик институтининг «Халқаро ҳуқуқ» кафедраси мудир, юридик фанлари доктори Гулчехра Маткаримова «Ўзбекистон фуқароларининг конституцион ҳуқуқлари» мавзуси бўйича ўз қишида маҳалла маслаҳатчиларининг ёш оилалар, ўсиб келаётган авлоднинг таълим-тарбиясидаги ўрни, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳақида фикр юритди.

— Биз, катталар, авваламбор ўзимизда, сўнг намуна кўрсатган ҳолда фарзандларимизда Бош Қомусимизга бўлган ҳурматни онгли равишда шакллантиришнинг лозими, шундагина уларда қонунларга ҳам итоткорлик ҳиссиётини сингдиришга асос яратган бўлардик. Зеро қонунларга риоя этиш — бу ҳуқуқий жамиятнинг пойдевори мавжудлигидан дарак беради, — дея таъкидлаб ўтди Г.Маткаримова.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофаза қилиш бошқармасининг

Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси бошлиғи Маъмура Азизованинг маслаҳатчилар фаолиятида муҳим бўлган масалалардан бири — меҳнат қонунчилигида аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги айрим моддаларга қисқача шарҳ бериб ўтгани кўпчиликда қизиқиб ўйотди. Жумладан, қонунчиликда она бўлиш арасидаги ёки ёш болали аёлларнинг ишга қабул қилмаслиги, уларнинг иш ҳақини камайтириш каби хатти-ҳаракатлар тақиқланади. Шунингдек, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан кўп фарзандли ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон болалари бўлган аёлларга уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган ёки ихтиёрий равишда ҳар йили 14 календар кунидан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилиши лозим. Маслаҳатчилар, шунингдек, имтиёзли нафақа олиш тартиби билан танишилди ва ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Семинарда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний кўмита раиси ўринбосари Шухрат Исмоилов «Диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги» мавзусида маъруза қилиб, Адлия вазирлигида расмий рўйхатга олинган диний йўналишлар ҳақида маълумот берди.

Фридрих Эберт жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Наиля Резвова аҳоли ўртасида қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар юзасидан олиб борилаётган тушунтириш ишларини янада кенгайтириш лозимлигига ургу берди. Унинг фикрича, қонунлар ишлашининг таъминлаш учун биринчи навбатда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишига эришиш керак.

Тадбирда шунингдек, республика қонунлари ва халқаро конвенциялардаги аёллар ҳуқуқлари, хотин-қизлар орасида учрайдиган жиноятчилик ва диний фанатизм ҳолатларининг сабаб ва оқибатлари каби масалалар муҳофиза қилинди.

Семинарда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова иштирок этди.

Биз биргина тадбир мисолида маҳаллалардаги маслаҳатчи аёлларнинг фаолияти устида кенроқ фикр юритишга ҳаракат қилдик. Бунинг босиси, албатта, тушунарлидир ва ҳулоса ўрнида яна бир бор ушбу масала долзарб ва «Маслаҳатчи қандай бўлиши керак?» деган саволга ақниқ нукта қўйиш биров эрта деб ўйлаймиз. Зеро бу йўналишда ечимини топмаган муаммолар ҳам, қилинадиган ишлар ҳам қўл. Истагимиз маслаҳатчи аёлларимиз авваламбор зиммаларига катта масъулият юклатилганини биринчи ўринга қўйиб иш юритадилар.

Шаҳноза  
КУДРАТХЎЖАЕВА.

## БИРИНЧИ САЁХАТ БОЗОРИ

Пойтахтимизда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Савдо-саноат палатаси ва Жаҳон туризм ташкилотининг минтақавий ваколатхонаси кўмағида Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюмчаси томонидан ташкил этилган «Sayohat bozori» сайёҳлик биржаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда бундай биржа биринчи марта ўтказилди ва у янги сайёҳлик мавсумининг очилишига бағишланди. Унда сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар, агентликлар, фирма ва компаниялар иштирок этди.

Биржага ташриф буюрганлар шахсий,

оилавий, соғломлаштириш, ишбилармонлик ва ўқитиш турларини ташкил этиш, дам олиш ва таълим туризми, турли экскурсиялар, авиачипталар ва меҳмонхонадан хона буюртириш, туризмда сугурта хизмати каби кўплаб хизматлар билан танишиш имконига эга бўлди.

— Мижозларимиз сони йилдан йилга ортиб бормоқда, — дейди «Сайрам туризм» компаниясининг қабул бўйича менежери Елена Зиркина. — Улар, асосан, Япония, Франция, Австрия, Испания, Германия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан келган сайёҳлардир. Киш фаслида ҳам ўз хизматларимизни муваффақиятли амалга ошириш имконини берадиган янги маҳсулотнинг жорий этилиши туфайли яхши натижаларга эришдик. Янги мавсумда ўз фаолиятимизда ички сайёҳликни ривожлантиришга ҳам эътиборни қучайтирамыз.

ЎЗА

**Маълум****ИНСТИТУТДА ХОТИРА КЕЧАСИ**

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор Матниёз Юсупов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-муסיқий анжуман бўлиб ўтди.

Кечани институт Халқ ашула ва рақс ансамбли кафедраси мудир, профессор Раҳматжон Туреунов кириш сўзи билан очди ва Матниёз Юсупов ҳаёти ва ижодига оид воқеаларни йиғилганларга сўзлаб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Олмадон Хайитова, Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевлар Матниёз Юсуповнинг ёрқин хотирасини ёдга олдилар.

Институтнинг «Сайқал» бадий жамоаси талабаларидан ташкил топган «Ашулачи» ансамбли томонидан бастакорнинг «Ёшлигим», «Гул тераман сенга», «Не етсин» каби қўшиқлари ижро этилди.

**УСТОЗЛАР — ЭЗГУЛИК САРЧАШМАСИ**

Шаҳримиздаги 123-мактабда ўтказилаётган ёшлар маънавияти ва маърифати-ни оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар диққатга сазовор бўлаётган. Айниқса, табиатнинг уйғониш фасли бўлмиш баҳор, Наврўзи оламнинг шуқудли кунларида ташкил этилган турли хил мусобақалар, танловларда болажонлар катта қизиқиш билан иштирок этишмоқда. «Сиз баҳорни севасизми?», «Варрақлар парвози», «Соч ҳам хуси», «Китоб — офтоб» мавзудаги ўйинлар ва мушоира кечалари шулар жумласидандир.

— Болалар келажгимиз давомчилари, уларга наинки билим бериш, балки маънавий дунёсини бойитиш, онгини юксалтириш, келажакка ишонч билан боқиш, Ватанга муҳаббат туйғуларини қалбларига синдириш бизнинг вазифамиз, — дейди мактаб директори Дилдора Зокирова.

Ёшларнинг келгусида илми, ҳунарли бўлиб етишишлари, уларни ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашга муҳим эътибор қаратаётган ва шу ишларга бош-қош бўлиб келаётган ўқитувчиларга: Сиз эзгулик сарчашмасисиз, устозлар, дегимиз келади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

**Касаба уюшмаларида****ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ**

Бугунги кун ёшларининг ҳар жиҳатдан илми, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида давлатимиз томонидан кенг кўламли юмушлар амалга оширилиб, барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Инсонлар соғлиги ва ижтимоий муҳофазаси йўлида мақсадли ишларни амалга ошириб келаётган Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам мана бир неча йилдири, хайри бир юмушга қўл урилганки, уни мамнуният билан таъкидлаб ўтсак арзийди.

Бирлашма ҳар йили анъанавий тарзда олий ўқув юрларининг энг иқтидорли, аълочи, намунали хулқи билан тенгдошларига ибрат бўлаётган талабаларига касаба уюшма стипендиясини бериб келади.

— Биз нафақат олий ўқув юрти тала-

балари, балки ўрта махсус ўқув юрларининг аълочи талабаларига ҳам махсус стипендияларимизни топшираемиз, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Ғайрат Зунунов. — Мақсадимиз, шаҳар касаба уюшмалари ҳаракатига ёшларни ҳам кенг жалб қилиш, фаолиятимизнинг ютуқ ва камчилиги, истиқболдаги режалари билан бевосита таништириб, касаба уюшма фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қилишдир. Яна бир томондан илм олишнинг машаққатли йўлида муваффақият қозонаётган ёшларни маълум маънода рағбатлантириш. Чунки талаба учун олти ой давомида қўшимча стипендия билан таъминланиш оиласида, ўқишда, шахсий ҳаётида сезиларли тарзда мадад бўлиши турган гап.

**Ватанга хизмат — муқаддас бурч****БАҲОРГИ ЧАҚИРИҚҚА БАҒИШЛАНДИ**

Айни кунларда бутун Республикада Юртбошимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори ва Мудофаа вазирининг буйруғи асосида тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Кунги кеча шаҳримиздаги Марказий Офицерлар саройида баҳорги чақириққа республикамизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда Мудофаа вазирлиги мутасаддилари иштирокида баҳорги чақирув мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Учрашувни Мудофаа вазирлиги матбуот котибнати бошлиғи полковник Раҳимжон Нурназаров очиб Президентимизнинг юқоридаги қарорига мувофиқ барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳарбий хизматга ҳар томонлама етуқ, ҳам жисмонан, ҳам ақдан баркамол ёшларни чақириш бўйича олиб борилган ишларга алоҳида тўхтади.

Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги қарори ва шу қарорга илова қилинган Низом мамлакатимизда чақирув масалаларига нақадар катта эътибор бераётганлигининг ёрқин далили эканлиги таъкидланди.

Ҳозирги вақтда Қуролли Кучлар сафларига муддатли хизматга чақириш танлов асосида, очиқ-ошкора ўтказилаётгани, армияимизнинг жамиятда обрў-эътибори юқорилиги, Қуролли Кучлар сафига кузатиш ва резервга бўшаган хизматчиларни кутиб олиш маросимлари байрамона руҳда, кенг омма иштирокида амалга оширилаётгани, чақирувда ҳокимиятлар ва жамоат ташкилотлари ролининг тобора ошиб бораётганлиги, ҳарбий хизматдан бўшатилаётганларга ишга ёки олий ўқув юртига киришларида катта имтиёзлар берилаётгани, муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик чақируви резерви хизмати йиғинларига чақирилганлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани, хизматчилар учун ҳозирги кунда аввалги казарма ўрнига барча шароитлар мавжуд замонавий уй-жойлар барпо этилаётгани хусусида ҳам сўз борди.

Анжуманда шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов сўз олиб ижодий уюшманинг бу борада амалга ошираётган ва режалаштирилаётган юмушлари хусусида батафсил маълумот берди.

Журналистларнинг чақирувга оид берган саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА



Кунги кеча Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўқув юрлари томонидан тавсия этилган 2004-2005 ўқув йилининг 1 семестри якунлари бўйича энг юқори натижаларга эришган талабаларга касаба уюшма стипендиати гувоҳномалари топширилди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси каби қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда бундай ишонч-сазовор бўлган ёшлар ўз миннатдорчиликларини билдириб, албатта келгусида янада яхши ўқиш ва аъло хулқ билан уни оқлашларини изҳор этидилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Ҳажимжон Солихов олган суратлар.

Ҳамшаҳарларимиз орасида ўз касбини эъзозлаётганлар, унга астойдил меҳр қўйган инсонлар қўлаб топилди. «Тошшаҳарийўловчитранс» акциядорлик компаниясига қарашли «3-автобус саройи»да фаолият юритаётган тажрибали ҳайдовчилар бунга мисол бўла олади.

**Транспорт****КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАНЛАР**

Компаниянинг 1-тоифали ҳайдовчиси Мираҳмад Бўриев мана 23 йилдири, машаққатли, аммо шарафли касбини эъзозлаб келмоқда. Ҳозирги кунда 116-йўналишдаги «Мерседес-Бенц» русумидаги автобус йўналишида сардор бўлган Мираҳмад ака ҳамкасблар билан йўловчилар оқими гавжум бўлган, серқатнов «Чилонзор» метро бекати — Фарҳод бозори — Бегуний метро бекатларини туташтириб Тиббиёт шаҳарчасига пойтахтлик ҳамда унинг меҳмонларини қўзлаган манзилларига бехатар элтиш мақсадларида меҳнат қилмоқда.

Йўналишдаги 8 нафар ҳайдовчиларга бошчилик қилиш ҳам сардордан касб-маҳорат, тажриба, асосийси ҳамкасбларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишни тақозо этади. Ўз касбининг заҳматкаши бўлган илгор ҳайдовчи сафдошлари Шукур Солиев, Рустам Ёқубов, Шокир Соиповлар белгиланган режаларни уддалашларида уларга мададкор бўлмоқда, керак бўлганда қўллаб-қувватламоқда.

Кафдтек текис йўлларда автобус чамбарагини моҳирлик билан бошқараётган ҳайдовчилар аҳолига намунали хизмат кўрсатиш даражасини кўтаришдек эзгу мақсадлар йўлида гайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

Ғаттоҳ АБДУРАҲИМОВ

**Маълум****ТАНЛОВ ҒОЛИБИ БЎЛДИ**

Ўзбекистонда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун қатор ўқув адабиётлари чоп этилмоқда. Бундай хайри ишда Осиё тараққиёт банки ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Бу нуфузли банк томонидан эълон қилинган танловда «Қийим лойиҳалаш асослари» йўналиши бўйича яратилган дарслик ғолиб деб топилди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори Х.Комилова муаллифлигида юзага келган мазкур янги дарслик республика касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига яхши совға бўлди. Изланувчан олимпиада саноат технологияси бўйича янги электрон ўқув дарслигини ҳам ёзиб тугатди.

Ақбар АЛИЕВ

—Тўлқин Исмоилович, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуриятининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан бирлашмада қандай ишларни бажариш кўзда тутилган?

— Қарорни амалга ошириш мақсадида маҳаллий қозонхоналарнинг эскирган қозон агрегатларини ва иссиқлик тармоқларини алмаштиришга доир дастур ишлаб чиқилган.

Марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларини қайта қуришга, шу жумладан ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш, турар жойларнинг иситиш тизимларини мустақил иситишга ва иссиқ сув таъминотини ёпиқ тарзда улашга маблағлар жалб қилиш бўйича чет элик инвесторлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Хозирги вақтда иссиқ сув ҳисоблаш асбоблари хонадонларга уйни мукамал таъмирлаш бажарилаётганда ўрнатилади. Ҳисоблаш асбоби ўрнатиладиган сўнг «Тошиссиққуввати» ИЧБ ходимлари томонидан тамгаланади ва рўйхатга олинади.

Иссиқлик энергиясини ҳисоблаш асбобларини иссиқликни ҳисобга олиш пунктларида ўрнатиш мижозларнинг ўзлари томонидан, пудратчи таъминотини жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Юқоридаги қарорни амалга ошириш бўйича хозирги вақтда молиялаш манбаи аниқланмоқда ва дастур тузилмоқда.

Иссиқлик энергиясини ҳисоблаш асбобларини иссиқликни ҳисобга олиш пунктларида ўрнатиш мижозларнинг ўзлари томонидан, пудратчи таъминотини жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Юқоридаги қарорни амалга ошириш бўйича хозирги вақтда молиялаш манбаи аниқланмоқда ва дастур тузилмоқда.

Иссиқлик энергиясини ҳисоблаш асбобларини иссиқликни ҳисобга олиш пунктларида ўрнатиш мижозларнинг ўзлари томонидан, пудратчи таъминотини жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Юқоридаги қарорни амалга ошириш бўйича хозирги вақтда молиялаш манбаи аниқланмоқда ва дастур тузилмоқда.

Иссиқлик энергиясини ҳисоблаш асбобларини иссиқликни ҳисобга олиш пунктларида ўрнатиш мижозларнинг ўзлари томонидан, пудратчи таъминотини жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Юқоридаги қарорни амалга ошириш бўйича хозирги вақтда молиялаш манбаи аниқланмоқда ва дастур тузилмоқда.

Иссиқлик энергиясини ҳисоблаш асбобларини иссиқликни ҳисобга олиш пунктларида ўрнатиш мижозларнинг ўзлари томонидан, пудратчи таъминотини жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Юқоридаги қарорни амалга ошириш бўйича хозирги вақтда молиялаш манбаи аниқланмоқда ва дастур тузилмоқда.

нинг айланма ҳаракати умуман бўлмастайлиги йўл қўйилади. Бунда иссиқлик тармоғининг узатувчи ва қайтиш қувурларини навбатма-навбат таъмирлашга қўйган ҳолда истеъмолчилар узлуқсиз равишда иссиқ сув билан таъминланадилар. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, қизиган сочик қуритигчи ёғи вақтда нисбатан совуқроқ об-ҳаво ҳудудларида ҳавонинг юқори намлиги курак бўлади. Бизнинг курак ва иссиқ ёз шароитимизда ваннахоналарда қизиган

ция, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича фойдаланиш сарф-ҳаражатлари УМШга бирлашган уй-жой эгалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва табиийки, совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи корхоналар харажатларига киритилмайди.

— Нима учун жорий йилда иситиш мавсуми анча олдин туғайди?

—Қурилиш меъёрлари ва қоидалари 2.01.01-94нинг «Об-ҳаво ва физик-геологик маълумотлар»га мувофиқ Тошкент шаҳри учун иситиш мавсуми 165 кунни ташкил этади. Утган иситиш мавсуми 151 кун давом этди. (2004 йил 16 октябрдан 2005 йил 16 мартгача). Иситиш мавсумини яқунлаш ҳақида қарор қабул қилиш учун ташқи ҳароратнинг узоқ муддат давомида иссиқ ҳолда туриши (ўртача ташқи ҳарорат 1 мартдан 15 мартгача 15 кун давомида 14,2°С ташкил этди) асос бўлиб хизмат қилди.

— Юртбошимизнинг «Коммунал хизматлар тарифларининг асосий равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан қандай ишлар бажарилмоқда?

— Коммунал хизматлар учун маблағларни тўлиқ йиғиш ва аҳоли билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш мақсадида бирлашма томонидан бирмунча ишлар олиб борилмоқда. «Иссиқлик тарқатиш» бошқармасининг туман бўлимлари ходимлари аҳолига коммунал хизматлар учун ҳақ ёзиш, ўз вақтида ҳақ тўлаш ва дебиторлик қарзларни тўлаш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида хонадонларни ҳар кун айланиб чиқмоқдалар. Ҳақ тўлашга қулайлик яратиш учун турар жой маззеларида мунтазам равишда «Узуйжоймагармабан» вақиллари иштирокида кўчма кассалар ташкил этилмоқда, у ерда тариганб воситалари билан жиҳозланган транспортдан фойдаланилмоқда.

Кўрсатилган коммунал хизматлар учун аҳолининг дебиторлик қарзларини қисқартириш мақсадида бирлашма иссиқлик тармоқларининг умумий миқдори 14549 миллион сўмлик 241054 та қарздор хонадонларга даъво ҳужжатларини туманларга фуқаролик судларига оширди. 12201 миллион сўмлик 210079 даъвономалар бўйича судлар томонидан қарор чиқарилди, шулардан суд ижрочилари департаменти томонидан 96871 даъвонома бўйича 4661 миллион сўм ундирилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда. Шунинг баробарида келгуси мавсумга тайёрланган ишлар ҳам режа асосида бошлаб юборилди.

— 2002 йилдан буён 5 та бригадан иборат пайвандчиларимиз газ ҳисоблагичларни қисқа муддатларда ўрнатиш ишларини амалга ошириб келмоқда, — дейди хусусий фирма катта устаси Бахтиёр Юлдашев. — Бу борада бизга тумангаз вақиллари, маҳаллалар фаввондчи бригадалар муносиб иш олиб боришмоқда. Чилонзор туманидаги хонадонларга бир неча йилдан буён газ ҳисоблагичлар ўрнатишда куч-ғайрат сарфлаётган «Юфас» хусусий фирмаси ишчи-хизматчилари ҳам айни кунларда «Олмасор» мавзесида меҳнат қилишмоқда.

— 2002 йилдан буён 5 та бригадан иборат пайвандчиларимиз газ ҳисоблагичларни қисқа муддатларда ўрнатиш ишларини амалга ошириб келмоқда, — дейди хусусий фирма катта устаси Бахтиёр Юлдашев. — Бу борада бизга тумангаз вақиллари, маҳаллалар фаввондчи бригадалар муносиб иш олиб боришмоқда. Чилонзор туманидаги хонадонларга бир неча йилдан буён газ ҳисоблагичлар ўрнатишда куч-ғайрат сарфлаётган «Юфас» хусусий фирмаси ишчи-хизматчилари ҳам айни кунларда «Олмасор» мавзесида меҳнат қилишмоқда.

— 2002 йилдан буён 5 та бригадан иборат пайвандчиларимиз газ ҳисоблагичларни қисқа муддатларда ўрнатиш ишларини амалга ошириб келмоқда, — дейди хусусий фирма катта устаси Бахтиёр Юлдашев. — Бу борада бизга тумангаз вақиллари, маҳаллалар фаввондчи бригадалар муносиб иш олиб боришмоқда. Чилонзор туманидаги хонадонларга бир неча йилдан буён газ ҳисоблагичлар ўрнатишда куч-ғайрат сарфлаётган «Юфас» хусусий фирмаси ишчи-хизматчилари ҳам айни кунларда «Олмасор» мавзесида меҳнат қилишмоқда.

— 2002 йилдан буён 5 та бригадан иборат пайвандчиларимиз газ ҳисоблагичларни қисқа муддатларда ўрнатиш ишларини амалга ошириб келмоқда, — дейди хусусий фирма катта устаси Бахтиёр Юлдашев. — Бу борада бизга тумангаз вақиллари, маҳаллалар фаввондчи бригадалар муносиб иш олиб боришмоқда. Чилонзор туманидаги хонадонларга бир неча йилдан буён газ ҳисоблагичлар ўрнатишда куч-ғайрат сарфлаётган «Юфас» хусусий фирмаси ишчи-хизматчилари ҳам айни кунларда «Олмасор» мавзесида меҳнат қилишмоқда.

Бош муҳандис Екатерина Литягина ҳозирда ширкатда олиб борилаётган ишлар хусусида бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ширкатимиз 2000 йилнинг охирида ташкил этилган бўлиб, тасарруфида 30 та кўп қаватли — 2,4 ва 5 қаватли уйлар мавжуд. Кўпчилигининг қурилганлигига 40 йилдан ошган ҳамда қолганлари 1985-86 йилларда ташкил этилган. Уйларнинг техник ва санитар ҳолатини яхши сақлаш мақсадида, айниқса, ўз муаммоларимизни ўзимиз ҳал қила олишга қодирлигимизга ишонтирилган ширкат бошқаруви раиси Фуломжон Абдуллаевнинг талабчан ва тadbиркорлиги ишимизда кўл келди.

Имкон даражасида уйларнинг томлари, ертўлалар ҳолати доимий назоратимизда. Аҳолининг ишончини қозониш мақсадида навбатчилик иши ҳам кўнгилдагидек ташкил қилинган, ҳар бир шикоят, албатта ташкил этилади. Ширкатимиз ходимлари маалаки, ўз ишининг усталари ҳисобланади, шу боис ҳам тасарруфимиздаги уй-жойлар

Ширкат — ибрат

## ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақидаги Қарорнинг ижроси юзасидан жойларда қандай ама... ишлар қил... аётганлигини билиш мақсадида биз Юнусобод туманида жойлашган «Хамкорлик — Мустақиллик» уй-жой мулкдорлари ширкати билан суҳбат қулушимиз.

Ҳамда уларнинг ён-атрофларини техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондидан кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларида давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашга интиломи.

Юқоридаги қарор соҳамизда юзага келган салбий аҳолини ўнгашга хизмат қилишига шубҳам йўқ. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида февраль ойининг охирида йиғилиш ўтказди. Унга Юнусобод туман ҳокимлиги, ширкатимиз жойлашган «Посира» маҳалласи фаоллари ва албатта, уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларини тақдир этдик. Унда истиқомат қилувчилар розили-

и билан яна бир янги — «Меҳрибон-коммунал» ширкати ташкил этилди ва унинг раҳбари этиб уй бошқарувчи, ширкат ишларидан яхши хабардор Лариса Хрибченко кўпчилик овоз билан сайланди.

Мазкур ширкат тасарруфига 15 та кўп қаватли 15-30-уйлар қиради. Айни янги ташкил этилган ширкат хусусида бир неча нафар истиқоматчилар билан суҳбатлашдик.

— Аввалги ширкатнинг тиниб-тинчимас раҳбари Фуломжон Абдуллаевдан жуда миннатдоримиз, — дейди 21-уй, 7-хонадон эгаси Надежда Федорова. — У ўта тартибли, ғайратли ва иш кўзини биладиган киши. Айниқса, ширкатимиздаги барча ишчи-хизматчилар тўғри танланган. Яна шунини алоҳида таъкидламоқ-

чиманки, ширкатимиз раҳбари уй бошқарувчиларининг ҳам ташаббускор, эл қорига ярайдиган заҳматқаш кишилардан сайланишига алоҳида эътибор берган. Шу билан бирга, хонадон соҳибларига эгаллик ҳиссини ошириш, яъни уй-жойимиз, унга туташ ҳудудларни саранжом-сарийта сақлаш, орасталаш, асраб-авайлашни ўрганганлигимиз айнан ширкат ходимларининг тарғибот-ташвиқот ишларининг яққол натижаси деб биламан.

— 15-уй, 18-хонадонда 19 йилдан буён яшайман, — деб ўзини танитди Людмила Айзатулова. — Очиги айтиш керакки, ширкатда ишлар режага асосан тўғри йўлга қўйилган. Бунга эришишнинг ўзи бўлмади ахир. Сантехникларимизнинг иши пухта, ҳар бир

Пойтахтимиздаги «Шимол» темир йўл вокзалидаги автобус шохбекати энг гавжум жойлардан саналади. Бу шохбекатдан қатновчи турли русумдаги жамоат транспортлари — автобус, маршрутли таксилар йўловчиларни шаҳримизнинг турли ҳудудларига элтиди, мазилани яқин қилади.

Оғрик, аммо ағрик ган

## ЎРИНДИҚСИЗ ШОҲБЕКАТ

Яна бир нарсани айтиш ўринли — бу ерга темир йўл орқали йўловчи ташиш транспортида келган меҳмонлар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга шошади, яна кимлардир ўз кундалик юмушлари билан автобус кутади. Улар орасида кексаю ёш, бола кўтарган аёлу ҳассага таянган ногирон ҳам борлиги аниқ. Негаки, ҳамманинг ўзига яраша ишу ташвиши бор.

Тўғри, бу ердан шаҳримизнинг турли маззеларига қатновчи автобусларнинг ҳам ўз иш режаси, оралиқ вақти бор. Ана шундай пайтда йўловчилар кутишга мажбур. Лекин шуниси ажаблანарлики, 10 дан ортик автобус, 10 дан зиёд маршрутли такси тўхтайдиган ушбу шохбекатда йўловчилар учун на бирорта ўриндик, на соябон мавжуд. Айниқса, қор-ёғинли кунларда йўловчилар қарда туришларини билишмаса, кекса ва ногиронлар ўтиришга бирон ўриндик тополмай сарсон бўлишади. Ёзнинг жазирасида эса шохбекатдаги мавжуд иккита нозимхонанинг сояси қаёққа тушса, ўша жойдан озгина паноҳ топишади.

— Бир неча йилдан буён мана шу шохбекатдан 55-автобуса ўтириб ишга бораман, — дейди хизматчи Мавлуда Шарипова. — Кўпичинча автобус кечикиб, ҳатто ярим соатлаб кутишга ҳам тўғри келади. Утиришга бирор жой йўқ, иссиқ ёз ёки ёғинли қиш кунларида керакли соябон ҳам ўрнатилмаган. Биз-ку майли-я, бу ҳолга қўниқиб қолдик. Лекин баъзида вилоятлардан келган меҳмонлар олдида хижолат чекасан киши. Ахир уларнинг пойтахт ҳақидаги илк тасарруфлари шу ердан бошланади-да...

Албатта, эзуликнинг кечи йўқ дейишди. Тобора чирой очаётган, боғу гулзорга айланаётган мутасаддилар ҳам бу ҳақда бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди. Зора бу ерда ҳам қулайликлар кўзга ташланса, ундан йўловчилар баҳраманд бўлишса.

Дилноза СОДИҚОВА

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

## РЕЖАГА КИРИТИЛДИ

Газетамизнинг 2005 йил 14 мартдаги соҳибида «Газетхон сўрайди» рўқни остида «Этирозимиз йўқ, аммо...» сарлавҳали мақолада эълон қилиниб, унда аҳолини ҳақ билан таъминлашдаги айрим камчиликлар ҳақида мулоҳаза билдирилган эди. Тошкент шаҳрида мулоҳазалар юзасидан «Тошкентшаҳаргаз» худудий газ таъминоти корхонаси директори Қ.Фармонов имзоси билан келган жавоб хатда қуйидагилар қайд этилган:

«Қўйлик-ота» маҳалласи оқсоқоли ва фаоллари, туман прокуратураси ходими ва туман газ билан таъминлаш идораси ходимлари текширишлари натижасида шу нарсани аниқландики, ҳақиқатан ҳам ушбу маҳалла худудидagi Табассум ва Табибий кўчаларида ҳавонинг ташқи ҳарорати пасайган кунларда газ босими кескин пасайиши кузатилади.

Ушбу муаммони ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Унга кўра Мирзо Иброҳим маҳалласида мавжуд бўлган газ тақсимлаш пунктида Табибий кўчаларидаги газ қувурларига ўрта босимли газ тармоқлари ўтказилиб, етарли даражада таъминлайдиган газ тақсимлаш пунктини қуриш режалаштирилди. Ушбу ишлар амалга оширилиши учун диаметри 76 миллиметр бўлган 650 погон метр ҳамда РДБК-1-25 газ тақсимлаш пункти кераклиги ҳисоб-китоб қилинди.

Уларни амалга ошириш Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан тасдиқланган 2005-2006 йилларнинг кузги-қишқи мавсумига тайёрларлик иш режасига киритилди.

Шунингдек, тежамкорликда муҳим аҳамиёт касб этган, ҳақ ҳақини сарфига яраша тўғри ва аниқ бажарилишини таъминлаш учун ҳар бир хонадонга жорий йилнинг 1 сентябританга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш тавсия этилиб, бунинг учун Ҳамза тумангаз раҳбариятига мурожаат қилиниши лозимлиги таъкидланди.

Ҳозирги пайтда «Қўйлик-ота» маҳалла аҳолиси газ билан бир меъёрга таъминланган ҳамда тумангаз мутасаддилари томонидан доимий назоратга олинган.

# УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР



Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуриятининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарорда газ ҳисоблагичлар ўрнатишнинг жорий йил 1 сентябританга туғатиш назарда тутилган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида пойтахтимизда ҳам режадаги ишлар бажарилиши кутилмоқда.

Ҳар нарсанинг ҳисоби ҳам, агар исроф қилсангиз уволи ҳам бор, — дейди 16-уйнинг 74-хонадонидagi истиқомат қилувчи онахон Лutfи Муҳамедова. — Шу боис ҳам ҳар бир хонадонга ҳисоблагич

## АСЛО ЮТҚАЗМАЙСИЗ

Шаҳримиздаги хусусий уйлар ва кўп қаватли бинолардаги хонадонларга жорий йил сентябрь ойигача 176975 та газ ҳисоблагичлар ўрнатиш режаланган. Ана шунда барча хонадонлар сарғига яраша ҳақ тўлаб, тежамкорликка ҳисса қўиши баробарида исрофгарчиликнинг ҳам олди олинади.

— Ширкат, бу — хонадон эгаларининг бирлашган ташкилоти бўлиб, улар ширкатнинг асосий шахслари ҳисобланади. Шу боис ҳам хонадон эгаларининг ширкатда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлади. Мулкдор ўз хонадонини ширкатнинг бошқа аъзолари билан ширкат розилигисиз тасарруф этиш, ширкат бошқарувига ёки тафтиш комиссиясига сайланиш, ўзи ёки вақили орқали ширкат фаолиятида иштирок этиш, ширкат фаолияти, шу жумладан умумий мулк ҳолати ва уни сақлаш харажатлари тўғрисида маълумот олиш, ширкат фаолиятини такомиллаштириш ва унинг ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритиш каби ҳуқуқлар билан бирга ўз вақтида ва тўлиқ ҳақда

умумий мулкни сақлаш бўйича белгиланган тўловларни ва коммунал хизматлар ҳақларини тўлаш, ширкат Устави, умумий йиғилиши ва бошқарув қарорларига риоя қилиш, турар жойдан мақсадли тарзда фойдаланиш ва уни керакли ҳолатда сақлаш, умумий мулкка бошқа мулкдорлар ёки ширкат мулкига ўзининг оила аъзолари ёки хонадон иккарачиси томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа мажбуриятларга амал қилиши керак.

Хонадонда яшамаслик ва ундан фойдаланмаслик унинг мулкдорини умумий мулкка оид мажбуриятлардан озод этмайди. Шунингдек, уй ёловчи ёки ижрочи томондан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги томондан мажбурият хонадон эгаси, яъни мулкдор зиммасидир.

Дилфуза ҒАНИЕВА  
СУРАТЛАРДА: уста Бахтиёр Йўлдошев хонадон эгалари билан; хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатилмоқда.  
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

## Сўраш, жавоб берамиз

ҚАНДАЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР МАВЖУД?  
Хонадон эгаси уй-жой мулкдорлари ширкатига аъзо бўлган қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади?  
Бир гуруҳ хонадон эгалари

## Сўхбатдош Шарифа ИЛҶОБА ТАХРИРИЯТДАН: шу ўринда таъкидлаш жоизки, қачонки хизмат ҳақига яраша сифатли ва намунали ташкил этилса, хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади, улар ўз ҳуқуқларини билган ҳолда мажбуриятларини ҳам бажариши, коммунал соҳадаги ислохотларга муҳим ҳисса қўишлариди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда чикарган коммунал соҳага оид қарорларининг амалга оширилиши ана шундай салбий ҳолатларга барҳам беради, чунки уларда юқоридаги барча келишмовчиликлар ҳисобга олинган. Яъни, 2005 йил 1 июлдан бошлаб бино ичидаги сув тармоғи, канализа-

## Ҳисоҳ

## ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

Чилонзор туманидаги «Олмасор» мавзесида жойлашган 16-уйда яшовчилар ўз мулкларни ҳисоблаган турар-жой биносини сақлашда унинг йўлакларини, ён-атрофларини орасталаш ва тозаланига эътибор қаратишда ҳавас қилса арзийдиган ишларни амалга оширишмоқда.

## Ҳисоҳ

—Ўзимиз ва фарзандларимиз яшайдиган кўп қаватли бино — бизнинг мулкимиз, — дейди 24 йилдан буён уй бошқарувчилигини зиммасига олган Турғун Мусаев. — Ана шу мулкни асрашда ҳеч қим четада турмайди, барча ишларни ҳам-жихатликда бажарамиз. Мана яқинда хомийларни жалб этган ҳолда уй йўлакларини таъмирдан чикардик. Барча хонадон эгалари йўлаклар тозаланига эътибор қаратишди.  
СУРАТДА: 16-уйнинг ҳамма йўлакларини мана шундай чиройли ва покка сақланади.

## Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўтганиб доно бўлув...

● Хар ким билан, у қандай одам бўлишидан қатъи назар, очик юзлилик билан сўзлаш!

● Азизим, душманнинг узр-намо сўзларини эшитиб гурур отига минмагинки, у қанчалик тамаллуқ қилмасин, ялиниб ёлвормасин, барибир унинг сўзлари макру хийладан холи бўлмайди.

Адоват ниҳоли унинг сийнасида барқарор экан, бу ниҳолнинг меваси зарардан ўзга нарса бўлмайди.

Байт:  
**Душманга ишонмоқ самараси ғам,**  
**Фафлат тухмин эккан тортажак алам!**

● Ҳақиқий доно, ақл эгаси деб билган киши бир ишга киришишдан аввал агар у шу ишнинг устаси бўлган тақдирда ҳам бошқа кишилар билан маслаҳатлашади. Чунки ўз ақлига бино қўйган киши адашади, ўз тадбирига ишонган киши тубанлик сари кетади.

● Ақли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

● Хар бир халқнинг ақли ўз замонасига нисбатан бўлади.

● Ақли киши қадру камол, нодон киши эса давлату мол қидиради.

● Ва шу йўлда ўзини ўзи абгор этиши ҳам ҳеч гап эмас.

● Эй азиз, агар сен ўзгалардан яхшилик кўрай десанг, фақат яхшилик қил! Бу ҳақда шундай дейишган:

**Дунёда топайин десанг омонлик,**  
**Бировга заррача қилма ёмонлик!**

● Букрот ҳақим шундай деган эди:

— Билмаган нарсангни билладигандек гапирма, керак бўлмаган нарсани қидирма, билмаган ва синашта бўлмаган йўлдан юрма, яхши сўз бир гахарики, у ҳеч вақт ўзгармайди, қилган ёмон ишларингга қайғурки, бундай ишдан афсусланмаслик яна баттарроқ хато қилишга олиб келади.

Шеръ:  
**Агар сендан хато юз берса ундан кўп надомат чек,**  
**Хатодан кимки ибрат олмаса кўллаб хато қилгай!**

● Эй фарзанд, ҳеч қачон бадғумон ва эгри фикр бўлма! Билгинки, бадғумонлик сени барча дўстларингдан узоқлаштиради ва ёлғизлаб қўyadi.

● Чақимчи шундай кишики, бирор ерда эшитган гапини дархол бошқа одамга бориб айтади, натижада икки одам орасида фитна туғдиради. Поқдид киши бировдан эшитган гапини бировга айтмайди. Жимлик ва сукут йўлини ихтиёр этади. Агар унга биров гап ташиб келса унинг гапига ишонмайди, чақимчи гапни беради ва иккинчи марта бундай иш қилмасликка даъват этади.

● Тўғри сўзли киши барчанинг эътиборини қозонади. Яхши ишдан янада улуғроқ мартабаларга тавсия этилади. Қадр-қиммати ортади, ҳамма ерда сўзи мақбул бўлади. Ёлгончи эса ақсина, бу нарсаларнинг барчасидан маҳрум бўлиб, унинг орқасидан одамлар нафрат билан қарашади. Ёлгончи ёлгон сўзи билан ўзгаларнинг обрўсини тўлмоқчи, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўлади. Ваҳоланки, унинг ёлгон сўзлари ўзи учун қони зарар бўлиб қиқади.

Котибиятда ўзгариш бўлди. Масъул котиб Алиназар Эгамназаров бўлимга бошқиб бўлиб ўтди. Унинг ўрнини ўринбосари Абдуғани Абдуллаев эгаллади. Бош муҳаррирнинг талаби билан мен вақтинчалик масъул котиб ўринбосари вазифасини бажарадиган бўлдим. Лекин бу вақтинчалик кейин бориб доимийликка айланди.

Биз котибиятда икки киши — Абдуғани ака ва мен. «Вечер»да эса Дмитрий Теплов, Виктор Белоплотов ишлардик. Котибиятга иккита хона ажратилган бўлиб, масъул котиблар ичкарида, биз ўринбосарлар эса киравериш хонасидан ўрин олгандик.

Котибиятнинг иши анча оғир эди. Бўлимлардан тушган материалларни кўриш, (қўпгина бўлимлар мақолаларни кечикиб топширишарди) уларни саҳифаларга бўлиб макетлаштириш, сўнгра босмахона билан мунтазам алоқа боғлаш, хуллас ҳарф теришдан тортиб, газетани бетма-бет саҳифалашгача бўлган жараёнларни ўз вақтида ва муддатда бажариш каби вазифалар котибиятнинг зиммасида эди.

Шу ўринда газетанинг «туғилиши»ни жўнгина, яъни мақола ёзасизу, у шартта босилиб чиқаверилади, деб тасаввур қиладиган муштарийларга бироз тушунтириш бериб ўтсак фойдадан ҳоли бўлмас, албатта. Азизлар, қўлингиздаги газетанинг оламга келиши сиз ўйлаганчалик осон эмас. Сизга тақдим этилган газета ўнлаб одамларнинг — муҳаррир, масъул котиб, мухбирлар, мусаххиллар, компьютер операторлари, ротацция машинаси ишчиларининг биргаликдаги меҳнати самарасидир. Яқин-яқинларгача бу ишлар қўлда бажарилар, бунинг учун жуда кўп вақт сарфланар эди. Хайриятки, ҳозир бу жараён анча енгиллашди. Бу юмушларни деярли ярмидан кўпини компьютер бажарадиган бўлди.

— Дастлаб биз котибиятда уч киши эдик, — деб ҳикоя қилади собиқ «Оқшом»чи Алиназар Эгамназаров. — Икки ўринбосарим — Раҳматилла Файзуллаев ва Абдуғани Абдуллаев университетнинг сиртки бўлимида ўқишарди. Хар йили улар меҳнат таътилидан ташқари, икки марта бир ойдан ўқув сессиясида бўлишарди. Бундай пайтларда котибиятнинг барча ишлари ёлғиз ўзимга қолиб кетарди. Ишга эрталаб саккизда келиб, кечқурун 9-10 да уйга қайтган пайтларим кўп бўлган.

Дастлаб мен котибиятда газетачиликнинг техник ишларини ўрганаётганимга хурсанд бўлиб юрдим. Кейин эса мени бошқа нарса ташвишлантира бошлади. Очиги, котибиятнинг иши билан ўралашиб қолиб ижод билан шуғулланмай қўйдим. Шуларни ўйлаб ишдан кетмоқчи ҳам бўлдим. Худди шу кезларда мени отахон газеталардан бири ишга тақлиф этиб турганди. Деярли рози эдим. Шу мақсадда бош муҳарриримиз ҳузурига кириб, у кишига бор гапини ётиги билан тушунтирдим. — Сизга жавоб йўқ, — деди бош муҳарриримиз кескин. — Мабодо ўзбошимчилик билан кетадиган бўлсангиз сизни ишга тақлиф қилаётган газета раҳбарларига ўхшатиб ёмонлаб, ўсмайдиган қилиб қўяман. У ердигилар мени яхши танишади. Агар ижод қилолмаётган бўлсангиз ўзимиздаги хоҳлаган бўлимга ўтингда, истаганча ёзаверинг.

Мен ўшанда бўшаш ҳақида ариза ёзиб масалани қонуний йўл билан ҳал қилиб кетаверишим мумкин эди. Лекин Саъдулла ака билан бир соҳанинг одамимиз, у устозим, эртага яна кўз-кўзга тушади. Шунда қандай қарайман, деган ўзбекона андиша билан «Оқшом»да қолиб санат бўлимида ишлаш бошладим.

Ҳозир эса шу газетада ўтган йилларимни журналистик фаолиятимдаги энг сермазмун, самарали йиллар деб ҳисоблайман. Бу газета ўтган йиллар фақат мени эмас, балки кўпгина ҳамкасбларимни ҳам журналист ва газетачи сифатида пишириб ижоднинг равон йўлига олиб чиқди. Собиқ «Оқшом»чилардан Ўткир Ҳошимов, Александр Пукемов, Александр Тюрков, Мурод Абдуллаев, Хабибулла Олимжонов, Абдуқодир Ниёзов, Зухра Шоқирова республика миқёсидаги газета ва журналларга муҳаррир бўлишди. Муҳаммад Юсуф, Сирождиддин Саййид, Насриддин Мухаммадиев, Нормурод Норқобилов саккиз-ўнлаб китоблари чиққан ёзувчи-шоирлар бўлишди. Биз мазкур газетада меҳнат қилаётганда шу даргоҳда мусаххих, ма-

шинистка бўлиб ишлаган Дилором Икромова, Шоира Мухамедова, Муҳаббат Хабибуллаевалар эса буғун шу газетанинг етакчи журналистлари қаторига киришади. Марҳум Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф дастлаб шоир сифатида «Оқшом»да ишлаб танилган. Унинг айрим шеърлари, газалларига прототип бўлган, уни мафтун этган «жайрон кўзли» гузалар шу газетада ишлаган.

Сирождиддин Саййид «Оқшом»га етмишчи йилларнинг охирида келган. Мен билан бир бўлимда ишлаган. У шу ерда шоир ва журналист сифатида ўсиб-унди. Дастлабки китобларини чиқарди, уйли-жоли бўлди. Мана ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи ўринбосари бўлиб ишламоқда. Ёки Нормурод Норқобиловни олайки. У дастлаб ижодини «Тошкент оқшоми»нинг санат

нидек, Абдуғани ака мулоим ва ширинсўз бўлса, Дмитрий Никитич эса унинг акси ўлароқ, иш юзасидан талабчан ва бир сўзли эди. Қанчалик лов этиб ёнса, шунчалик тез пов этиб ўчарди. Мана бир мисол:

— Суратқашимиз Малик ака Нуриддинов бироз шаддод, баҳонага ўчоқ эди. У икки кун ишга келмади. Саҳифаларга сурат етказма олмайган Дмитрий Никитич асабий. Шунда бирдан Малик ака эшикда кўришиб қолди.

— Малик, қани сурат? — ўзини тутолмай бақириб юборди Теплов.

— Сурат йўқ, — деди Малик ака шу оҳангда.

— Нега йўқ бўлади?

Малик ака баҳона тополмай бироз терлаб-пишди. Сўнгра:

— Ўйозлик комбинатига борган эдим. Бинонинг иккинчи қаватидан сумкам пас-та тушиб кетди. Ичигаги фотоаппарат чил-чил синди, — деди «куюниб».

Дмитрий Никитич бу гапни рост тушуниб, жим бўлиб қолди ва гуноҳкор одамдек: «Шунақа демайсаним бўлмаса», дея олди холос.

Малик ака гапини ўтказганидан мамнун. Теплов эса суртирмай дилзорлик қилганидан пушаймон эди. Албатта, бўлимларда ишловчи ходимларга ҳам осон эмасди. Мақолалар тезкорлик билан, баъзида эса шу бугунги сонга тушиши керак бўлиб қоларди. Шундай кезларда югур-югур бошланиб қоларди. Сабаби, бош муҳарриримиз Саъдулла Кароматов газетанинг хар томонлама қизиқарли ва мукамал бўлишига ҳаракат қиларди. Эсимда бор, бир кун Саъдулла ака ходимларни тўллаб, шундай талаб қўйди: «Бугун хар бир ижодий ходим битта янги рунк топмаса, ҳеч ким уйига қайтмайди». Ҳақиқатдан ҳам шу кун деярли ярим кенгагача қолиб ҳаммамиз янги мавзулар, янги рунклар устида бош қотирдик. Шу тарихга газета саҳифасига янгича ҳаво, янгича йўналиш киритилди.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳикоя қилади:

— Газета саҳифаларида ўша давр учун қалтиб бўлган материаллар тез-тез пайдо бўларди. Эсимда, шундай мақолалардан бири тил билан алоқадор чиқиб бўлди. Ўша пайтда Тошкент кўчаларига тилимизни ниҳоятда ҳақорат қиладиган пешлавлар эзиб қўйиларди. Масалан, «Ул. Хуршида кўчаси» деб ёзиларди. Русчасига ўқиганда «Улица Хуршида» деган маънони тушуниш мумкин. Лекин унинг ортидан «Кўчаси» деб тиркаб қўйилгани билан у мутлақо маъно бермаслиги аён эди. Яъни кўча Хуршид номидами ёки Хуршида деган кўчани, деган савол туғиларди.

«Правда Востока» кўчасидаги тўрт қаватли тахрират биносининг ёнида гул дўкони бор эди. Унинг пештоқига «Цветы Ташкента гуллари» деб эзиб қўйилганди. «Цветы Ташкента» деган сўзга тушуниш мумкин, лекин «Ташкента гуллари» нима дегани?

Мана шу мавзуда чиқиб қилганимизда бизни ўша пайтдаги партия раҳбарлари анча нари-бери олдиб келишган эди. «Бунинг отини ашаддий миллатчилик деб аталади, аслида кўчанинг номи бўладими, дўконнинг номи бўладими, ўзбекчасининг кераги йўқ. Ҳаммага тушунарли тилда бўлса етади», деганга ўхшаш гаплар билан бизни анча тергадилар.

«XX аср овози», «20-йиллар адабиёти» каби саҳифалар газетхонларга манзур бўлган эди. Биз мунтоз адабиётимиз ҳақида олимлар, мутахассисларнинг кўллаб чиқиларини қилганмиш. Шундай чиқилардан бири — профессор Эргаш Рустамовнинг Аҳмад Ясавий ҳикматлари ҳақидаги мақоласи ва ҳазрат Ясавийнинг ҳикматларидан намуналар берилгани эсимдан чикмайди. Кизиги шундаки, ўша саҳифа тасодифан Қурбон ҳайити кунига эълон қилиниб қолган. Шунда «Тошкент оқшоми» тахририяти бу ишни атайлаб қилди, ўқувчиларга Қурбон ҳайитини эслаш учун қилди», деб муаллифини ҳам, тахриратий ходимларини ҳам анча судрасудра қилишган.

Хуллас, «Оқшом» газеталари ҳаётдан бундай мисолларни жуда кўллаб келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ўша даврда ушбу газетада хизмат қилган ижодкорларнинг ўтмишини қисқа бўлса ҳам эслашти туради.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## Ишлар сағоси

# «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

ЎНИНЧИ ҲИКОЯ

бўлимга жамоатчи мухбир сифатида таҳаббарлар ёзишдан бошлаган. Ўша кезларда штатдан ташқари мухбирларга гувоҳнома берилмасди. Гувоҳномаси йўқ журналист эса санат корхоналарига киролмасди. Нормурод газетамизга йирик-йирик санат корхоналаридан лавҳалар эзиб келарди. Бир кун мен ҳайрон бўлиб ундан сўрадим:

— Нормурод, гувоҳномангиз бўлмаса, корхоналарга қандай кирасиз?

— У қулиб деди:

— Корхона деворидан ошиб тушаман. Кўп ўтмай биз Нормуродни тахририятга ишга қабул қилдик. Шундан кейин у ижодкор сифатида тез ўша бошлади. Мана бугун Нормурод Норқобилов ундан ортқ китоби нашр қилинган ёзувчи. Ҳатто бир кассаси телефильм қилинди.

Бугун газета тахмалларини варақлай туриб ўша даврдаги йирик чиқишларимиз устида узоқ тўхталиб қоламан. Бугун улардан баъзиларини санаб ўтсам «Оқ-шом»нинг ўтмиши кўз ўнгимизда жонланиши табиий. Хусусан, 1975 йил битирувчилар ҳаётига бағишланган «Сени Ватан кутади», мавсумий чиқишларимиздан «Сув савдосидиги нуқсонлар», «Хамшаҳарларимиз қандай дам олишмоқда?», «Нон — табарруқ ризқ-рўзимиз», «Харидорлар нега ранжисмоқда», «Табассум меҳмонимиз», сарлавҳали мақолаларда ўша даврнинг энг долзарб масалалари кўтарилганди.

Ўзбек киноси 50 ёшга тўлиши муносабати билан берилган саҳифа ҳам диққатга сазовор. Ушбу саҳифа куйидаги сўзлар билан очилди. «Ўзбек киноси ярим асрлик ижодий йўлни босиб ўтди. Бу йўл эланишларга тўла, шонли саҳифаларга бой. Ўтган вақт мубайнида энг оммавий санъат катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ўзбек халқининг ўтмиши, фидокорона кураши, уруш йилларидаги жасорати ва тинч қурилиш давридаги бунёдкорлик меҳнати етук киноасарларда ўзининг бадиий ифодасини топди. Улар оммани жасоратларга ундади, ёшларни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Албатта, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳали кўп. Давр кино ижодкорлари олдида янги талаблар қўйилмоқда. Шубҳасиз, ўзбек киночиларининг кўп сонли отряди бундан кейин ҳам халқимизнинг юксак диди ва интилишларига жавоб берадиган бадиий баркамол асарлар яратаверадилар».

Бундай мисолларни газета тахмилларидан жуда кўллаб келтириш мумкин. Ўша йилларда «Оқшом» саҳифаларида пайдо бўлган «Ким бўлсам экан?», «Ижодкор ёшларимиз», «Қоинот сирлари», «Тарихий обидалар», «Табият оламида», «Иззатингдан айрилма», «Авалло инсон бўл» каби рунклар остида эълон қилинган мақола-лар муштарийларимиз эътиборини қозонганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Газета котибиятда ишлаган йилларимни ҳамон эсламан. Ўшанда Абдуғани Абдуллаев ва Дмитрий Теплов сингари ўз касбининг мутахассисларидан котибиятнинг иш услубини анча ўргандим. Албатта, хар кимнинг ўзига хос характери бўлга-

**Биласизми?****ДУНЁ АХОЛИСИ  
КЎПАЙМОҚДА**

Аҳолининг табиий ўсиши йиллар ўтган сари ортиб бораётганлиги барчага маълум ва бу «муаммо» XXI аср бошига келиб оламшумул аҳамиятга молик бўляпти. Ер қуррасида бундан 1000 йил аввал 300 млн. киши яшаган бўлса, 1900 йилга келиб 1 млрд. 600 млн, 1987 йили 5 млрд, ҳозир эса 6 млрд дан ошиб кетган. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг таҳминлариغا кўра, 2010 йилда аҳоли сони 7 млрд. 176,6 млнга, 2025 йилда 8 млрд. 504,2 млн. га етади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дунёда ҳар 230 кунда 1 та Туркия аҳолисига баробар нуфуз ортиди. Ҳар 3 дақиқада 155, ҳар соатда 10609, ҳар кунда эса 245-620 чақалоқ рўйхатга олинади. Бироқ баъзи мамлакатларда, масалан, Германия, Дания, Финляндияда аҳоли сонининг камайиши баъзи иқтисодий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқарапти. Аҳоли Ер шаридан нироятда нотекис жойлашганлиги туфайли аҳоли зичлиги турли жойларда турличадир. Мамлакатнинг табиий шароити, иқлими, тарихий таркиб топиши, географик жойлашуви, иқтисодиёти ва сиёсати бевосита аҳоли зичлигига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади. Ер қурриси аҳолисининг 70 фоизи куруқликнинг 7 фоизидан муқассамлашган бўлса, 15 фоизда эса аҳоли бутунлай истиқомат этмайди. Аҳолининг асосий қисми мўътадил, субтропик жойлашган, 50 фоиз аҳоли денгиз сатҳидан 200 м. гача бўлган худудларда, 30 фоизи денгиз соҳилларидан 50 км. гача узок худудларда яшайди. Ер шари бўйича ҳар км. кв. га ўртача 40 киши тўри келади. Бироқ Бангладешда ҳар км. кв. га 800 киши, Манакода 15,5 минг, Сингапурда 4,5 минг кишининг тўғри келиши айрим мамлакатларда аҳоли зичлиги жуда юқориликдан далolat беради. Умуман олганда эса, дунё аҳолисининг 60 фоизи Осиёда, 12 фоизи Африкада, 9,5 фоизи Европада, 8,5 фоизи Латин Америкасида, 5,5 фоизи Шимолий Америкада, 0,5 фоизи Австралия ва Океанда истиқомат қилади. Ер қурриси аҳолисининг XIX аср бошида 3 фоизи, XX аср бошида 13 фоизи ва 1985 йилда эса 41 фоизи шаҳарларда яшаган. Ҳозирги пайтда дунё аҳолисининг ярмидан ортиги шаҳарларда яшамокда.

Аҳолининг демографик жойлашувини ўрганиш ҳамда уни таҳлил қилиш кўндан-кўн муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

**Зафар ТОХИРОВ**

**Ҳашиаҳарларимиз  
диққатига!**

2005 йилнинг 7 апрелидан 30 апрелига қадар Тошкент шаҳрининг Нукус кўчаси бўйлаб Ойбек, Авлиёота, Глинка кўчалари билан кесишган чорраҳаларида «Тошхиссиқувваттаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ер ости иссиқ сув ўтказгич қувурларини алмаштириш ишлари олиб борилади.

Шу муносабат билан ушбу кўчада қазиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш вақтида кўчанинг қатнов қисми қисман ёпилади.

Нукус кўчасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ушбу кўчани айланиб ўтиш учун бошқа кўчалардан ҳаракатланишинингизни тавсия этамиз.

**Тошкент шаҳри Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси.**

Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Чигатои Октепа» маҳалласи, Каримов кўчаси, 22-уйда жойлашган «Fath» хусусий корхонасига чакана савдо учун 2003 йил 3 мартда берилган серияси VS001910, рўйхат рақами 00115 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

**ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Трамвай йўлларида таъмирлаш ишларининг олиб борилиши муносабати билан 2005 йил 6 апрелдан бошлаб Ш.Рашидов, Д.Қунаев кўчаларида 8, 27-йўналишларда қатновчи трамвайларнинг ҳаракати вақтинчалик, А.Навоий кўчаси бўйича Ш.Рашидов кўчасидан А.Темур кўчасига қадар трамвай йўли қурилиши тугагунга қадар бирлаштирилади ва «Бешқайрағоч даҳаси — Қорақамиш даҳаси 1/2» доирасида ташкил этилади.

Зиё Саид, Уйғур кўчаларида яшовчи аҳолини шаҳар маркази билан транспорт ҳаракати орқали боғлаш мақсадида 64-йўналишда қатновчи автобус ҳаракати метронинг «Мустақиллик бекасти» автошохбекатигача узайтирилади, 91-йўналишда қатновчи автобусларнинг сони кўпайтирилади.

**«Тошшаҳар йўловчи транс» акциядорлик компанияси**

**ИЧИМЛИК СУВИ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА**

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек 2005 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ДУК «Сувсоз» трести истеъмолчиларига ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида куйидагиларни маълум қилади.

**6 апрель соат 9.00 дан 6 апрель соат 21.00 гача**

I. Сув босими пасаяди — Ҳамза, Миробод туманларида.

II. Сув бўлмайдиган — М.Улуғбек тумани Хумоюн, Югнакий даҳаси, Геофизика посёлкасида.

**11 апрель соат 9.00 дан 12 апрель соат 21.00 гача.**

I. Сув босими пасаяди — Чилонзор тумани 16, 19, 20 мавзеларда, Мевазор, Маданият маҳаллаларида, Юнусов, К.Шарипов, Гавхар кўчаларида.

**12 апрель соат 9.00 дан 13 апрель соат 21.00 гача**

I. Сув бўлмайдиган — М.Улуғбек тумани Транспортни, Раҳматуллин, Мўминова, Левитан, Морозов кўчаларида, Ялангон даҳаси Олий, Олимлар маҳалласида.

**13 апрель соат 9.00 дан 14 апрель соат 21.00 гача**

I. Сув бўлмайдиган — Ҳамза тумани Алиева, Мураббий, Миршарофов ва унга туташ кўчаларда.

**13 апрель соат 9.00 дан 14 апрель соат 21.00 гача**

I. Сув босими пасаяди — Сергели тумани, Спунник даҳаси 1-17 мавзелари.

II. Сув бўлмайдиган — Сергели тумани Навоий ширкат ҳўжалигида, Ўзғариш посёлкасида, Бобур маҳалласида, Янги Сергели кўчасида.

**14 апрель соат 9.00 дан 15 апрель соат 9.00 гача**

II. Сув бўлмайдиган — Миробод тумани Охунбобоев, Қушқўприк, Иноқобод тор кўчалари, Кодирова, Червикола ва уларга туташ кўчаларда.

**18 апрель соат 9.00 дан 19 апрель соат 9.00 гача**

I. Сув босими пасаяди — Чилонзор тумани 1, 2, 3, 4 мавзеларда, Яққасарой тумани Тўқимачи, Яққасарой 1, 2, Муқимий, Роҳат, У.Носир маҳаллаларида.

**19 апрель соат 9.00 дан 19 апрель соат 21.00 гача**

I. Умумий сув босими пасаяди — Сергели туманида.

**21 апрель соат 9.00 дан 22 апрель соат 9.00 гача**

I. Қисман сув босими пасаяди — Миробод, Яққасарой, М.Улуғбек туманларида

II. Сув бўлмайдиган — Миробод тумани Кафанова ва Ўзбекистон 50 йиллиги даҳаларида, Мовароуннаҳр, Охунбобоев, Нукус кўчалари ва уларга туташ кўчаларда, Яққасарой тумани Саперний даҳаси, Мироқилов, Глинка, Бобур кўчалари ва уларга туташ кўчаларда.

М.Улуғбек тумани Мусахонов, Шаҳрисабз кўчалари ва уларга туташ кўчаларда.

**21 апрель соат 9.00 дан 22 апрель соат 21.00 гача**

I. Сув босими пасаяди, — Акмал Иқромов тумани 21,22 мавзеларда қисман 12, 13, 14, 24

мавзеларда ва Янгиобод маҳалласида.

**25 апрель соат 9.00 дан 26 апрель соат 9.00 гача**

I. Сув босими пасаяди — Чилонзор тумани 1, 2, 3, 4 мавзеларда, Яққасарой тумани У.Носир, Сирожиддинова кўчаларида ва уларга туташ кўчаларда, Абдуллаева даҳасида.

**27 апрель соат 9.00 дан 28 апрель соат 9.00 гача**

I. Сув босими пасаяди — Чилонзор тумани 7, 8 мавзеларда.

II. Сув бўлмайдиган — Чилонзор тумани Е, 3 мавзеда, 5-мавзе 307-уйдан 336-уйгача, 6-мавзе 226-уйдан 283-уйгача, Чарх-Камолон маҳалласида.

**2 май соат 9.00 дан 3 май соат 9.00 гача**

I. Сув бўлмайдиган — Юнусобод тумани Ф.Мавлонов, Ж.Обидова, Ниёзбек, Иргашева, Кабулкова кўчалари ва уларга туташ кўчаларда.

**5 май соат 9.00 дан 6 май соат 9.00 гача**

I. Сув бўлмайдиган — Юнусобод тумани Ф.Мавлонов, Ж.Обидова, Ниёзбек, Иргашева, Кабулкова, Бодомзор, Шухрат кўчалари ва уларга туташ кўчаларда.

**Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади. Маълумот учун телефонлар: 133-15-95, 133-75-95, 152-60-08.**

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!**

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси рақобатни ҳимоялаш мақсадида**

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

Агар сизнинг иш фаолиятингизга монополия қорхоналар ва муайян товар бозорига катта улушга эга бўлган қорхоналар турли кўринишларда тазйиқ ўтказса, уларнинг ўзаро келишувлари ва ноқонуний ҳаракатлари натижасида фаолиятингиз чекланса, улар билан шартнома тузишда сунъий тўсиқларга дуч келсангиз, ўз навбатида давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишда чеклашлар жорий қилсалар, шартномалар тузишда рақобатчиларингизга устунлик берсалар, уларга атайлаб имтиёзли шароит яратсалар ёки сизнинг ҳўжалик фаолиятингизга ноқонуний равишда аралашсалар, ҳалол рақобатни чеклайдиган бошқа шунга

ўхшаш ишларни амалга оширсалар, дарҳол Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун соғлом рақобат муҳитини яратиш ва уни ҳимоялаш — бош мақсадимиздир. Биз сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қиламиз. Мурожаат учун телефонлар: 133-75-52, 133-07-26, 133-09-39.

Ҳалол рақобат муҳитида фаолият юритишингиз қонун билан кафолатланган.

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги А.П.Хлебушкина номли 22-Меҳрибонлик уйи 2005 йилда спорт комплексининг таъмирлаш ишларини олиб бориш учун ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 24-уй.

*Телефонлар:*

**45-72-35, 45-37-83.**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»  
республика бирлашмаси**

*Тошкент шаҳри Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки*

**2005 йил 18 мартдан  
ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

КУТИЛМАГАН ВОКЕА  
Тошкент Давлат циркида  
ПАРИЖ — ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ  
транзит йўли асосида жаҳонда ягона

РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ  
18 мартдан бошлаб томоша қилишга шойилинг  
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.  
Жума, шанба, якшанбада  
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз

Келганингиздан афсусланмай-сиз!!!  
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун бюрётмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.  
Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.  
**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети томонидан 2001 йилда Пўлатова Асолат Эргашевна номига берилган В № 048685 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Спорт**

**ТАЛАБА ҚИЗЛАР БЕЛЛАШАДИЛАР**

Яқинда шаҳримиздаги олий ўқув юртлири талаба қизлари ўртасида «Спорт — хотин-қизлар ҳаётида соғлом турмуш манбаи» шiori остида шахмат, баскетбол, волейбол, стол тенниси турнири ташкил этилиб, ушбу баҳсларнинг иккита босқичи якунланган эди.

Ушбу турнирнинг якунловчи Республика босқичи тез кунларда старт олади. Шуниси қувончлики, баскетбол, волейбол, стол тенниси бўйича беллашувлар яна ҳар бир олий ўқув юртлирида бўлиб ўтади. Шунингдек, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида эса шахмат бўйича мусобақалар ташкил этилади. Ушбу мусобақада Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоалари ғолиб бўлиш ниятида Узаро беллашадилар.

**МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШИШДИ**

Кипрда кикбоксинг бўйича ўштирилган жаҳон чемпионати мусобақалари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига муваффақият келтирди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, ушбу нуфузли турнирда жиддий ҳозирлик кўрган спортчиларимиздан Шавкат Уроков ва Виталий Абборинлар рақибларидан маҳоратли эканликларини исботлашиб иккинчи ўринни қўлга киритишди. Терма жамоамиз аъзоларидан Бахтиёр Шермухамедов, Сардор Тўраев ҳамда Шерзод Ҳошимовлар эса учинчи ўринлар билан қийофланишди. Иккита кумуш, учта бронза медаллари ўз ҳисобига эзиб қўйган мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларининг маҳоратлари хорижлик мутахассисларда ҳам катта таассурот қолдириди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманидаги А.Жўраев номи 219-ўрта мактаб томонидан Хусанов Алишер Зиқириллаевич номига берилган ОР-З-323946 рақамли 9-синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Хўжалик суди жамоаси, шаҳар Хўжалик судининг судьяси Шухрат Жўрабекович Худойбердиевнинг падари бузруквори

**Жўрабек Турдиқуллович ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

**Футболро муҳофазаси**

**ҲАМКОРЛИҚДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг маълумотига кўра, республикамиз ҳудудига 2004 йилнинг декабрь ҳамда 2005 йил январь, февраль, март ойларига ёгин миқдори меъёр атрофида ва ундан кўп бўлгани кузатилди.

Тошкент шаҳри ҳудудидан кўплаб катта-кичик каналлар оқиб ўтади. Бу шубҳасиз, турли кўринишдаги табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш эҳтимолини келтириб чиқаради. Шу сабабли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг "2005 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида Тошкент шаҳри бўйича сув тошқини хавфининг олдини олишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига асосан Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар, сув хўжалиги "Бўзсув" ирригация тизимлари бошқармалари ҳамда Гидрогеология-мелиорация экспедицияси, "Ирригация" трести томонидан баҳорги-ёзги мавсумида Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтадиган сувлар қирғоғидан тошчи эҳтимоли мавжуд бўлган жойларни таъмирлаш ишлари ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун зарур тадбирлар олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ёгингарчилик ўтган йилларга қараганда меъёридан ошганлиги сабаб, бугунги кунда шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи канал, ариқ ва анҳор қирғоқларидан сув тўлиб оқапти. Сув тошиши хавфини камайтириш мақсадида қирғоқлар мустаҳкамланмоқда. Айни пайтда пойтахт ҳудудига кириб келаятган сув оқимларини назорат қилиш учун махсус постлар ташкил этилган бўлиб, улар алоқа ва автотранспорт воситалари билан

таъминланган. Бу постлар томонидан сув ҳажми кўпайиши ҳақида маълумотлар ўз вақтида мунтазам бериб борилаёпти. Жорий йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида ариқлар, анҳор ва каналларнинг сувларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ва фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида Тошкент шаҳар Фуқаро муҳофазаси хизматларининг барча куч ва воситалари шай ҳолатга келтирилган.

Пойтахтимиз маҳаллалари ва йирик иншоотлар ҳудудидан оқиб ўтаётган канал ва ариқларни ҳашар йўли билан тозалаш, чиқиндиларни канал қирғоқларига ёки сувга ташлашни тақиқлаш, кўчалар четидаги ариқларни маҳалла аҳолиси ва корхоналарнинг ишчи-хизматчилари томонидан доимий тозалаш, профилактика масалаларига эътиборни қучайтириш бўйича туман ҳокимликлари, иншоотларнинг раҳбарлари, ширкатлар, маҳалла фуқаролар йиғини кенгашлари томонидан зарур ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бoш бошқармаси ва туман ҳокимликлари томонидан шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи барча каналлар, коллекторлар, анҳорлар ва ариқлар қирғоқларини тозалаш, қуриб қолган ёки сув оқимига тўсқинлик қилаётган дарахт-

ларни кесиш ишлари босқичма-босқич амалга ошириляпти.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, 2005 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида Тошкент шаҳри ҳудудидан ўтган канал, ариқ ва коллекторлардан оқиб ўтувчи сувларни хавф-хатарсиз ўтказиш ва фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик, улардаги санитария-эпидемиология ҳолатини яхши сақлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, матбуот), маҳаллаларда аҳоли ўртасида кенг миқёсда олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамадан аҳоли томонидан уларга ахлатлар, темир-терсақ ва бошқа чиқиндиларни ташлаш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бу эса санитария-эпидемиологик ҳолатнинг бузилишига, сувга ташланган чиқиндиларнинг бир жойда ҳаддан ташқари кўп йиғилиб қолиши оқибатида сув қирғоғидан тошшига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Натижада сув бўйлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг соғлиғига, иморатларига жиддий хавф туғилиши мумкин. Оқар сувлар яқинида истиқомат қилувчи пойтахтимиз аҳолиси ушбу вазиятни тўғри тушуниб чиқиндилар ташлаш ўрнига, маҳаллаларда ҳашар йўли билан ариқ-каналларни тозалаш ишларига эътибор қаратсалар, хавфнинг олдини олишдан ташқари атроф-муҳит озодаллигига ҳам ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Бундан ташқари, баҳорги-ёзги мавсумда ёш болаларнинг сувга чўкиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи канал, коллектор ва ариқларга яқин жойлашган маҳаллаларда яшовчи ота-оналар ёш болаларни каровсиз қолдирмасалар кўнгилсиз ҳодисаларга ўрин қолмасди.

**Хуснияҳон ТОЖИБОЕВА, Азамат СУЙОНОВ.**

**Футбол**

**БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ**

Маълумки, футбол бўйича жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг иккинчи босқичида Ўзбекистон, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Кувайт терма жамоалари бир гуруҳда ўзаро беллашишмоқда.

лик кўради? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан куни кеча "Бунёдкор" ёшлар телеклубида матбуот анжумани уюштирилди. Унда қатнашган Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар билан ишлаш бўлими раҳбари Алишер Никмиев оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб берар экан,

терма жамоамизнинг сафардаги икки мағлубиятини қуйидагича изоҳлаб берди.

— Аввало, шуни маълум қиламизки, германиялик мутахассис Юрген Гёде сафардаги учрашувларда бир неча марта тактич хатоларга йўл қўйди. Терма жамоамиздан маҳорат бобида анча кучсиз ҳисобланган Кувайт жамоасига қарши ҳимоя усулини қўлади. Учрашувда Ўзбекистонликларнинг

устуңлиги яққол сезилиб турган бўлса-да керакли натижа қўлга киритилмади. Шу ўринда футбол федерацияси томонидан учрашувларга тайёргарликни маромига етказиш борасидаги бош мураббийнинг талаб ва истаклари тўла-тўқис амалга оширилганини яна бир қарра эслатаман.

Эндликда терма жамоамизни мураббий Равшан Ҳайдаров бошқаради. Юрген Гёденинг ўрнини эгаллаган Равшан Ҳайдаров ҳозирги терма жамоанинг кучи ва имкониятини жуда яхши билади. Равшан Ҳайдаровга мураббий Анвар Рашидов ёрдам беради. Биз терма жамоамизнинг келгуси талабаларига умид қиламиз.

(Ўз мухбиримиз)

**Мунажжим башорати**

**КЎПРОҚ ДАМ ОЛИНГ**

**7 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА**

Мунажжимлар бугун ҳамма нарсада эҳтиёткорликка қорлайдилар. Зеро, бугунги ҳар қандай башоратлар ёлгон, кўриладиган тушлар эса одамини қалғитадиган бўларкан. Бугун муҳим ишларга қўл ўрмай, емак-ичмакдан ўзини тортиш, итоткорлик ва тавба-газаррулар билан машғул бўлиш кўни.

Шу кунни туғилганлар учун бу кун аиникса эҳтиёткорликни талаб этади. Зеро, мунажжимлар таъбирича, уларнинг иши бугун аксига юраркан. Шунинг учун улар ёлгон ва сохтакорликлардан эҳтиёт бўлиб, кунни энг оддий, одатий машғулотлар, уй-рўзгор ишлари билан ўтказишлари тавсия этилади.

Бошқа ҳар қандай муҳим ишни кейинроққа қолдириш, турли мулоқотларни камайтириш, қарзга пул олмаслик ва ҳеч кимга ваъда бермаслик керак. Сизга бўладиган тақдирлардан эҳтиёт бўлинг, тур-

ли васваса ва иғволарга берилманг. Жанжал-можаролардан қочинг.

Ўзингизни ва яшаб турган хонадонингизни тозаланг ва покланг, исериқ тутати қичинг. Бугун харид қилган янги кийимни дарҳол кийиш керак. Либосларнинг йиртилиши бугун ёмон аломат ҳисобланади. Шунинг учун уларни ямаб-чирмаб, топ-тоза қилиб қўйиш лозим бўлади. Тақинчоқ ва турли безакларни бугун тақмай олиб қўйиш ва у билан ишлашни ҳам бошқа кунга қўчириш энг тўғри йўл бўлади.

Ҳаммомга бориш, соч олдириш, пиеда сайр қилиш фойдали. Иш билан у ёқ-бу ёққа югурилади. Куёш ботиши билан зиёфатлар уюштириб, кун яхши ўтганини «нишонлашади».

Мабодо, бугун орқангиздан кучли шамол урилайётганини ҳис этсангиз, бутўғри йўлдан бораётганингиз белгиси. Чарм бугун топиш — ҳомиёй ва сизга ке-

ладиган кўмакдан нишона. Кийимнинг йиртилиши, тирноқнинг синиши ёки сув тўкилиши — йўқотишлар ва синовларга ишора. Тушда мусиқа тинглаш ёки китоб ўқиш ҳам — яхшиликка.

Бугун кўзларни асраш керак. Бош оғриғига ҳам эҳтиёт бўлинг. Кўпроқ дам олиб, ўзингизни бемалол тутинг.

Ёрқин рангдор либослар кийинг. Оқ, олтинранг, яшил ва қизил рангли кийимлар кийганингиз маъқул. Қора, жигарранг ва қизил рангли кийим-кечақларни четроққа суриб қўйинг.

**БУГУН:**

- фақат жуда оддий ва ўзингизга ёқимли ишлар билангина шуғулланг;
- осийишта ва бемалол шароитларда ишлаб, дам олинг;
- фақат ўз манфаатларингиз ва яқинларингиз тинчлигини ўйланг;
- ўз майлингизга ҳоҳлаган нарсангизга озроқ пул сарфланг.

Муҳим ишларга қўл уриш, ташаббус кўрсатиш, миш-мишларга эътибор қилиш, арзимаган нарсаларга безовта бўлавериш керак эмас.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзиллими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-36.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 5009 нускада босилди. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшони»нинг компьютер марказида теришти ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбоа оқшондорлик компанияси басмадониси. Корхона манзили: «Буёқ Турро» кўчаси, 41-уй.